

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2021 йил ноябрь ойининг 4 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди Қўқон шаҳар ИИБ 4-сон ИИБ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг судьяси А.Омонов, судья ёрдамчиси З.Рахматиллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўқон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Рўзиев, судланувчи Б.Х. ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Султанова, жабрланувчи М.Мелибоевларнинг иштирокида, Б.Х.га оид №1-1503-2105/---сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Б.Х., (Б.Х.), 1982 йил ---да Фурқат туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, уч нафар фарзанди бор, ишламайди, Фурқат тумани, ---қишлоғи рақамсиз уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат орқали очикда, айблов далолатномаси нусхасини 2021 йил 15 октябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган.

Суд, жиноят иши бўйича жабрланувчини ярашиш тўғрисидаги аризасини, иш материаллари билан бирга кўриб чиқиб, айбланувчи, жабрланувчини содир этилган жиноят ҳолатлари юзасидан кўрсатувларини ва тарафларни фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Б.Х. 2021 йил 28 сентябрь куни соат 12:00 ларда ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Қўқон шаҳар, Давронбек кўчаси 45-уйда ушбу хонадонга ўзи билан бирга ишлаш учун келган шериги Мелибоев Машраб Мухаммадевични шимининг чўнтагидан 5 дона 100.000 сўм купюрадаги жами 500.000 сўм пулларини яширин равишда олиб талон-торож қилган.

Олиб борилган тезкор қидирув тадбирлари давомида Б.Х.дан М.Мелибоевга тегишли бўлган 500.000 сўм пулларида 200.000 сўми ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи Б.Х. суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2021 йил 28 сентябрь куни таниши М.Мелибоев билан бирга Қўқон шаҳар, Давронбек кўчаси 45-уйга ишлаш учун боргани, у ерда М.Мелибоевнинг шими чўнтагида пуллари борлигини кўриб, уни шимининг чўнтагидан 5 дона 100.000 сўм купюрадаги 500.000 сўм пулларини олиб қўйгани,



М.Мелибоев ундан пуллари ҳақида сўраганида, унга пуллари олиганини айтгани, сўнг икки кун ўтиб, ИИБ ходимлари чақириб, ундан М.Мелибоевни пуллари ҳақида сўраганида, уларга пулларни олганини айтгани, ҳозирда айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор бўлганини, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.Мелибоев суд мажлисида, ярашиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, 2021 йил 28 сентябрь куни таниши Б.Х. билан бирга Қўқон шаҳар, Давронбек кўчаси 45-уйга ишлаш учун боргани, шу куни соат 17:00 ларда ишларини тугатгани, шунда чўнтагида бўлган 500.000 сўм пуллари йўқлигини билиб, Б.Х.дан пуллари кўрган-кўрмаганини сўрагани, у ҳеч нарсани билмаслигини айтгани, сўнг ҳолат юзасидан ИИБга хабар бергани, суриштирув даврида пуллари Б.Х. олгани аниқлангани, ҳозирда унга етказилган зарар тўлиқ қопланганини, судланувчи Б.Х.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашув аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Б.Х.нинг жиний ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи М.Мелибоев ва судланувчи Б.Х.нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Қўқон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Рўзиевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Б.Х.нинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва иш бўйича зарар қопланганлигини, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Б.Х.га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд, жабрланувчи М.Мелибоевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтирилганлигини қайд этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан айбланган Б.Х. ва жабрланувчи Мелибоев Машраб Мухаммадиевичлар ўзаро ярашиб олганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Б.Х.га нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ёки хусусий протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

А.Омонов

Нусхаси аслига тўғри

А.Омонов

